

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САМАРҚАНД ШАҲРИ ШАРОИТИДА
ЯШОВЧИ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР
КЎЗ СОҲАСИ ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

*Б.Е.Киёмов, ассистент,
Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети,
Самарқанд, Ўзбекистон,
С.М.Мухитдинова, талаба,
Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети,
Самарқанд, Ўзбекистон
И.С.Мухаммадиев, талаба,
Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети,
Самарқанд, Ўзбекистон*

Аннотация. Кўз косасининг кенглиги ўлчами 7 ёш ўғил болаларда $3,10 \pm 0,04$ см га тенг бўлса, 10 ёшда $3,48 \pm 0,05$ см га ва 12 ёшда $3,86 \pm 0,08$ см га тенг. Шу ёшлар орасидаги давр мобайнида кўрсаткич 24,5 % га ошиб, 13 % 7-10 ёшлар орасига, қолган 11,5 % 10-12 ёшлар оралиғига тўғри келади. Қиз болаларда эса бу кўрсаткич 7-12 ёшгача бўлган даврларда бир текисда ўсишда давом этади. 7 ёш қиз болаларда $3,04 \pm 0,07$ см га тенг бўлса 10 ёшда $3,39 \pm 0,11$ см га ва 12 ёшда $3,77 \pm 0,09$ см гача катталашади ва бу давр мобайнида кўз косаси кенглиги 24 % га ортади.

Калит сўзлар. Бош мия соҳа, антропометрия, краниометрия, онтогенез, ўсиш динамикаси, пешона соҳа, калла қисмлари.

Мавзунинг долзарблиги. Юз соҳаси кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, санъат вакиллари (рассомлар, ҳайкалтарошлар, артистлар), анатомлар, психологлар, тиббиёт ходимлари, шу жумладан пластик жарроҳлар, юз-жағ жарроҳлари, стоматологлар ва дерматологлар учун текшириш объекти бўлиб хизмат қилади (А.А. Баиндурашвили, 2011). Кўз соҳасининг ўлчамларини аниқлашда кўз косасининг ташқи кенглиги ва оралиқ кенглиги нисбатан кўпроқ маълумот беради (Орлов С.А., Сосин Д.Г., 1997). Кўз косасига оид краниометрик кўрсаткичлар ичида кўз косасининг узунлиги нисбатан интенсив ўсадиган кўрсаткич ҳисобланади (В.В. Щуть, 2008). Кўз косаси

морфологиясининг ўзгариши калла суяги краниометрик кўрсаткичлари билан унинг краниотипига боғлиқ (А.Ф. Ципящук, 2005).

Илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Андижон шаҳри шароитида яшайдиган кичик мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болаларнинг бошнинг кўз қисми ўсиш параметрларини аниқлаш.

Илмий ишнинг материали ва текшириш услублари. Илмий тадқиқотнинг материали сифатида Андижон вилояти халқ таълими муассасаларининг фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 44-, 46- ва 46-умумтаълим мактабларининг 1-6 синфларида таҳсил олаётган ўрта мактаб ёши (7-12 ёш) даги жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом бўлган 300 нафар ўғил ва қиз болалар олинди. Баъзи муаллифларнинг таъкидлашича 7-12 ёшдаги болаларнинг морфологик ҳамда функционал кўрсаткичлари уларнинг календар ёшига боғлиқ. Текширишларни ўтказишда болалар Э.Г.Мартиросов (1982) тавсиясига асосан, яъни ёши ва жинсига қараб алоҳида гуруҳларга ажратилди.

Бошнинг антропометрик кўрсаткичларини ўлчашда Сперанский В.С., Зайченко А.И. (1980,1988) ва Автандилов Г.Г. (1990) усулларидан фойдаланилди. Кўрсаткичларни ўлчаш жараёни болалар тик турган ҳолатда амалга оширилди. Краниометрик кўрсаткичларни ўлчаш жараёнида Marthin R. (1928) томонидан тавсия этилган краниометрик нуқталардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Олинган натижаларга кўрсатишича, кўз косасининг кенглиги ўлчами 7 ёш ўғил болаларда $3,10 \pm 0,04$ см га тенг бўлса, 10 ёшда $3,48 \pm 0,05$ смга ва 12 ёшда $3,86 \pm 0,08$ см га тенг. Шу ёшлар орасидаги давр мобайнида кўрсаткич 24,5 % га ошиб, 13 % 7-10 ёшлар орасига, қолган 11,5 % 10-12 ёшлар оралиғига тўғри келади. Қиз болаларда эса бу кўрсаткич 7-12 ёшгача бўлган даврларда бир текисда ўсишда давом этади. 7 ёш қиз болаларда $3,04 \pm 0,07$ см га тенг бўлса 10 ёшда $3,39 \pm 0,11$ см га ва 12 ёшда $3,77 \pm 0,09$ см гача катталашади ва бу давр мобайнида кўз косаси кенглиги 24 % га ортади.

Кўз косасининг ташқи кенглиги ўлчами 7 ёш ўғил болаларда $9,36 \pm 0,16$ смни ташкил этса, 10 ёшда $9,69 \pm 0,24$ см га ва 12 ёшда эса $10,13 \pm 0,33$ см га тенглашади. Бу даврда кўрсаткич 8,2 % га ортади. Қиз болаларда эса, 7-12 ёшда мос равишда: $9,17 \pm 0,14$ см га; $9,56 \pm 0,23$ см га ва $9,98 \pm 0,19$ см га тенг. Бу даврда кўрсаткич 1,2 баробар ортади. Интенсив ўсиш даври 7-10 ёшлар орасига тўғри келади.

Эркаклар ва аёллар калла суяклари орасидаги жинсий тафовутларни ва морфологик фарқларни аниқлашда калла суягидаги нотекисликлар, дўмбоқлар, қирралар, дўнгларга, шунингдек уларнинг ривожланганлик даражасига, қош усти ёйлари, бурун асоси, кўз косасининг шакли каби бошқа анатомик белгиларга асосланилади. Болаларда ушбу белгилар нисбий ҳисобланади [1].

Юзнинг ўлчами ва умумий шакли ёшга, жинсга, ирқий келиб чиқишга, организмнинг конституционал ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Организмнинг индивидуал хусусиятлари наслий омиллар таъсирида шаклланади, шунингдек жисмоний (патологик) ва ижтимоий ҳолатига (касби, овқатланиши, нутқи) боғлиқ бўлади [3].

Хулоса. Кўз косаси индекси кўрсаткичи 7-10 ёшгача бўлган даврдаги ўғил болаларда интенсив равишда катталашса, кейинчалик ушбу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилади. Қиз болаларда эса кўз косаси индекси 7-11 ёшлар орасида ўсиб борса, 12 ёшда пасайишни кўриш мумкин. Кўз косаси индекси кўрсаткичи 7-12 ёшдаги иккала жинс вакилларида ҳам ҳамэконхия типда бўлади.

Адабиётлар.

1. Панасюк Т.В. Конституциональная принадлежность как основа прогноза роста и развития детей от 3 до 17 лет: Автореф. дис. доктор биол. наук. – Санкт-Петербург, 2008.

2. Rakhmonova H. N., Rakhmonov Z. M. at all. Morpho-Functional Changes in Neurons of Spinal Nodes after Experimental Cholecystectomy in

Mongrel Dogs //American Journal of Medicine and Medical Sciences p-ISSN. – С. 1904-1907.

3. Резугин А.М. Возрастная и индивидуальная изменчивость кранио-кефалометрических параметров у детей и юношей с ортогнатическим прикусом: Автореф. дис. канд. мед. наук. – Саратов, 2008.

4.Dekhkanov T.D., Oripov F.S., Dekhkanova N.T., Rakhmonova H.N. Features of the structural organization of the ampulla of Vater's papilla in animals with different nutritional patterns // Scientific journal, 2021. No. 02 (57). B. 94-96.

5.Oripov F.S., Rakhmonov Z.M., Dekhkanov T.D. Comparative topography of relief formations of the mucous membrane of the ampulla of Vater's papilla // New Day in Medicine, 2020. No. 2/1. B. 203-205.

6.Rakhmonov Z.M., Dekhkanov T.D. Morphology of the structural components of the mucous membrane of the ampulla of Vater's papilla // Problems of biology and medicine, 2016. No. 4 (91). B. 146-148.

7.Zimatkin S.M., Markovets N.I. Comparative anatomy of the liver and bile ducts of humans and rats // Bulletin of VSMU - 2016. - V.15. No. 3. B.18 - 23.6.

8. Rakhmonov Z. M. Rakhmonova HN O ‘n ikki barmoqli ichakning fater so‘rg‘ichi ampulasi shilliq pardasi relyefli tuzilmalarini topografik qiyoslash, Хоразм маъмун академияси ахборотномаси 2024. – 2024.